

---

## Давлат мустақиллигининг 33 йиллиги “Бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз!” деган бош ғоя асосида нишонланди.

Данғара туманида Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 33 йиллиги “Бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз!” деган бош ғоя асосида нишонланди.

Данғара тумани марказида жойлашган Истирохат боғида “Бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз!” деган эзгу шиор остида бўлиб ўтган байрам тадбирида туман ҳокими табрик сўзи билан очиб, туманда сўнгги йилларда турли соҳаларда эришилган ютуқлар, аҳоли турмуш даражаси яхшилаш мақсадида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар хусусида тўхталиб ўтди. Байрам тадбирида элимиз суйган санъаткорлар ва туман маданият маркази хонандалари ва истеъдодли ёш ижодкорлар ҳамда спортчи ёшлар иштирок этишиб, улар томонидан тақдим этилган ижод намуналари қалбларда фахр-ифтихор ва шукроналик туйғуларини оширувчи куй-қўшиқлар йиғилганларга чинакам байрам кайфиятини улашди.

---

2024-08-29 17:53:36